

**БОШЛАНҒИЧ СИНФ ЎҚИТУВЧИСИ ФАОЛИЯТИДА МУЛОҚОТ  
МАДАНИЯТИ ВА ПСИХОЛОГИЯСИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ  
УСУЛЛАРИ (ТАБИИЙ ФАНЛАР МИСОЛИДА)**

**Шерзод Иброим ўғли Иброимов**  
Тошкент вилояти Чирчиқ давлат  
педагогика институти  
Табиий фанлар факультети

**Актути Араповна Туйчибекова**  
Тошкент вилояти Чирчиқ шаҳар  
12-сонли мактаб бошланғич  
синф ўқитувчиси

**АННОТАЦИЯ**

Мақолада дарс ҳамда дарсдан ташқари жараёнда ўқитувчи ва ўқувчилар ўртасидаги мулоқот, унга қўйиладиган талаблар, ўқув-тарбия жараёнида педагогик мулоқотни бошқариш услублари, ўқитувчининг ўқувчи билан бўлган мулоқотида ишontiриш ва таъсир этиш усулларида фойдаланиш, педагоглар жамоасида муомала одоби ҳақида ёритилган.

**Калит сўзлар:** муомала, ишontiриш, маъқул қилиш, ҳамкорлик

**METHODS OF FORMATION OF COMMUNICATION CULTURE AND  
PSYCHOLOGY IN THE ACTIVITIES OF PRIMARY SCHOOL TEACHERS  
(ON THE EXAMPLE OF NATURAL SCIENCES)**

**Sherzod Ibroim ugli Ibroimov**  
Tashkent region Chirchik state  
pedagogical institutes  
Faculty of Natural Sciences

**Aktuti Arapovna Tuychibekova**  
School of No. 12 in Chirchik, Tashkent  
region

**ABSTRACT**

The article describes the communication between teacher and students in the classroom and extracurricular activities, the requirements for it, methods of managing pedagogical communication in the educational process, the use of persuasion and influence methods in the teacher's communication with students.

**Keywords:** treatment, persuasion, approval, cooperation

**КИРИШ**

Муомала категорияси умумий психология фанининг асосий категорияларидан бири ҳисобланиб, у ўз ичига шахслараро муносабатнинг энг муҳим механизмларини қамраб олади. Психология фанида муомала категорияси кенг маънода тушунилганда ҳамкорлик фаолиятининг ички

алоқасини мужассамлаштириб, ўзаро таъсир ва ўзаро муносабатни акс эттириб, ижтимоий процессуал жубҳасини ифодалайди. Муомаланинг энг муҳим таркиби мулоқот саналиб, мотивацияда мотив қандай аҳамият касб этса, у ҳам худди шундай муҳим роль ўйнайди.

Муомала - ҳамкорлик фаолиятининг эҳтиёжидан вужудга келиб чиқувчи, шахслараро мулоқот ривожланишининг кўп қиррали жараёнидир. Муомала қуйидаги таркибий қисмлардан ташкил топган:

- **Коммуникатив** (бир томонлама ахборот ўзатиш). Муомала ўз ичига ҳамкорлик фаолиятининг қатнашчилари билан ўзаро ахборот алмашувни қамраб олган бўлиб, коммуникатив жабҳа сифатида тавсифланиши мумкин. Одамлар бир-бирлари билан мулоқотда киришиши жараёнида муомаланинг муҳим воситаларидан бири тилга ва нутқ фаолиятига бевосита мурожаат қиладилар.

- **Интерактив** (икки томонлама таъсир) - мулоқотга киришувчиларни ўзаро таъсири, уларнинг нутқ фаолиятида нафақат сўз орқали фикр алмашинуви, балки ҳатти-ҳаракат ва ҳулқ атвори билан ўзаро таъсир ўтказиши тушунилади.

- **Перцептив** (ўзаро бир-бирини идрок қилиши, англаши) бунда мулоқотга киришувчилар ўзаро бир-бирларини идрок қилиш жараёни намоён бўлади, яъни улардан бири иккинчисининг ишончига лойиқ, ақлли, фаросатли, тажрибали, юксак тайёргарликка эга инсон сифатида идрок қилинади.

Муомаланинг ҳар учала томонини бирликда яхлит олиб қараш, у ҳамкорлик фаолиятини ташкил қилишнинг усули ва унда иштирок этувчиларнинг муносабатлари тариқасида намоён бўлади.

Касбий муаммони муваффақиятли ечиш мумкинлиги, қачонки ўқитувчи билан ўқувчилар (талаба) ҳамкорлик фаолиятига кириша олса, шахсни шакллантиришнинг мақсад ва вазифаларига ўзаро таъсир ва тушунувчи йўлга қўя олса шундагина педагогик муомала амалга ошади.

Педагогик муомала - бу ўқитувчининг талабаларга таъсир ўтказиш усуллариининг муайян тизимидир.

- ҳамкорлик иштирокчиларнинг ўзаро ахборот алмашуви;
- турлича коммуникатив воситалар ёрдамида ўқитувчи томонидан талабалар билан ўзаро таъсир ва ўзаро муносабатни ташкил қилиш;
- муайян мақсадни дастурий асосда амалга оширишнинг режалаштириш ва ўтказиш функциясини бажаради.

Педагогик фаолиятда муомала биринчидан, ўқув фаолиятини яқкаҳол бажаришнинг воситаси, иккинчидан тарбия жараёнини таъминлашнинг

ижтимоий-психологик тизими, учинчидан таълим ва тарбиянинг муваффақиятини таъминловчи ўқитувчи билан талабаларнинг ўзаро муносабатининг муайян тизимини ташкил қилишнинг усули, тўртинчидан талаба индивидуаллигини такомиллаштириш, истеъдодини қарор топтириш имконини берувчи жараён эканлиги, бешинчидан яқкаҳол фаолиятнинг субъекти сифатида руёбга чиқариш асослидир.

Педагогик муомала деганда ўқитувчи ва талабалар (ўқувчи) жамоасининг ўзаро таъсир малакаси, усули ва тизими англашиниб унинг моҳияти, ўзаро ахборот алмашиши, таълимий ва тарбиявий таъсир ўтказиш ўзаро тушунишга эришиш ва уни ташкил этиш тушунилади.

Муомала жараёнида унинг мақсадга мувофиқ амалга оширишни таъминлаш учун ижтимоий назорат ва ижтимоий қонун қондалар муҳим аҳамиятга эга. Бу назоратда 3 та муҳим таъсир этиш воситаси иштирок этади: маъқулламаслик, қоралаш ва жазолаш.

Муомалад талаба ҳуқуқи ижтимоий қонун қондалар маромига зид келса, у ҳолда уни ҳатти ҳаракати қораланади, эътироз, танбеҳ, эслатиш каби воситалар билан таъсир ўтказилади. Муомала вақтида одоб, одоблилик муҳим аҳамиятга эга бўлиб, унинг муваффақиятли келишини таъминлайди. Унинг асосий вазифалари (ахборот алмашинув, ўзаро таъсир, ўзаро идрок қилиш) тўғри амалга оширишни идора қилиб туради.

Ҳар бир фикр билдирилганда мулоқотдан қабўл қилинаётгани фаҳмлаб туриши ташқи кўринишлари, ўзгаришига эътибор бериш, ўз сўраш, тавозе билан мурожаат қилиш эвазига муомала одоби ушлаб турилади.

Муомала жараёнида бир ҳатти-ҳаракат ўйланмай билдирилган фикр, ортиқча имо-ишора одобсизликни келтириб чиқаради.

Одобсизлик эса низоли вазият, қарама-қаршилик зиддиятли ҳолатни келтириб чиқаради. Бунинг натижасида муомала фикр алмашув ўзини вазифасини низоли вазиятга бушатиб беради. Педагогик муомалада психологик алоқа ўрнатиш алоҳида аҳамиятга эга, чунки талаба билан ўзаро муносабат, ҳурмат, ишонч негизда қурилади. Бунда ўқитувчи талабанинг ҳуқуқ ва мажбуриятининг унинг мактабда, жамоада, оилада бажарадиган роли нимада иборат эканлигини эътибордан четга чиқармаслиги лозим.

## АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ

Психологияда раҳбарларнинг ўз жамоаси аъзолари билан муносабат техникаси таҳлил этилиб, турли типдаги ижтимоий-психологик портретлари ишлаб чиқилган. Раҳбарларнинг мулоқотни боқариш услублари: авторитар,

демократик, либерал услуб тарзида берилган. Мана шу услубларни педагогик мулоқотда ўқитувчи раҳбарлиги услуби тарзида куриш мумкин.

**Авторитар услуб.** Ўқитувчи гуруҳнинг фаолият йўналишини шахсан ўзи белгилайди, ким-ким билан ўтиради, ким билан ишлайди ўқитувчи ўзи ҳал қилади. Бундай услубда иш юритувчи ўқитувчи ўқувчилар ташаббусига йўл бермайди. Ҳамкорликнинг асосий шакли-буйруқ, кўрсатма, инстрУкция, огоҳлантириш. Ҳатто камдан-кам билдириладиган миннатдорчилик ҳам камситиш шаклида бўлади. "Сен бугун яхши жавоб бердинг. Сендан буни кутмовдим" каби.

**Демократик услуб.** Ўқитувчи фаолият мақсадини ҳар бир ўқувчи онгига етказишга, иш боришини ҳал этишга ҳаммани фаол иштирок этишга ундайди. Ўзининг вазифасини фақат назорат ва мувофиқлаштиришда эмас балки тарбиялашда деб билади, ҳар бир ўқувчи рағбатлантирилади, унда ўзига ишонч пайдо бўлади, ўз- ўзини бошқариш ривожланади. Демократик услубда бошқарувчи ўқитувчи болаларнинг индивидуал қобилият ва қизиқишларини ҳисобга олиб вазифаларни оптимал тарзда тақсимлашга ундайди. Фаолликни рағбатлантиради, ташаббусин қувватлайди. Мулоқотнинг асосий шакли - илтимос, маслаҳат, ахборот тарзида бўлади.

**Либерал услуб.** ўқитувчи жамоа фаолиятига аралашмасликка ҳаракат қилади, фаоллик кўрсатмайди, маслаҳатларга формал қарайди, турли таъсирларга тез берилади. Жавобгарликдан ўзини олиб қочади.

Энг яхши услуб - демократик услуб. Миқдорий кўрсаткичлар авторитар услубдан кам бўлиши мумкин, лекин ишлаш ижтимоий раҳбар йўғида ҳам давом этади. Ижодкорлик юқори бўлади, жавобгарлик ҳисси, ўз жамоаси учун фахрланиш ривожланади. Энг ёмон услуб - либерал услуб бўлиб, бунда ҳам иш кам бажарилади, ҳам сифат ёмон бўлади.

Авторитаризм ўқитувчи етукмаслигини, унинг ахлоқий ва сиёсий тарбиясизлигини, педагогик маданияти пастлиги билан характерланади.

Ўқитувчилар мактаб амалиётида ахлоқ тарбиясида қўллаши мумкин бўлган қуйидаги асосий педагогик услуб турлари мавжуд:

- Тарбиявий мақсадни амалга оширишга демократик ёндашиш, тарбиявий ишлар натижасини ошқора муҳокама қилиш ва уни ўқувчилар билан биргаликда баҳолаб, келгуси режаларни тўзишни тақозо этади. Бу услуб педагог - ўқитувчи - ўқувчилар коллективи шахслараро муносабатларни эркинлик, демократик талаблар асосида шакллантириб, ўқувчиларнинг ташаббускорлиги, ўз-ўзини тарбиялаш ишига ижодий ёндашиш орқали барча

психологик- индивидуал имкониятларини, қобилиятини руёбга чиқаришга замин яратади.

- **Ўқувчилар билан дўстона муносабат - педагогик услуб.** У ўқувчи шахсини ҳурмат қилиш ва талбчанлик мезони асосида қурилган. Ушбу услуб асосида ўз фаолиятини ташкил этган педагог ҳар ўқувчининг келажагига умид билан қараши, унга индивидуал ёндошишга ҳаракат қилиши, жазо усулларини тартибсиз қўлламаслиги, ўқувчилар коллективи олдига истиқболли тарбиявий мақсад қўйишга интилиши лозим. Аслида бу услуб биз кўриб ўтган биринчи услубга утишга замин тайёрлаши, унга муқаддима бўлиши мумкин. Аксинча, ўқитувчи маълум педагогик моҳиятта эга бўлишга интилмаса, ўз фанидан билими саёз бўлса, шахслараро муносабатларга ижодий ёндошмаса, коммуниактив қобилиятини такомиллаштириб бормаса ўқувчилар уни "катта биродар", "консультант" сифатида аста-секин тан олмай қўйишади. Педагог ўзининг тарбиявий ишларини амалга оширишдаги етакчилик ролини йукотиб, ўқувчилар ҳурматини енгил йўл билан қозонмоқчи бўлган бачкана шахсга айланиб қолиши мумкин.

- **Педагогик муомала – масофа услуби.** Бундан тажрибали педагоглар ҳам, фаолиятини энди бошлаган ёш ўқитувчилар ҳам фойдаланишига ҳаракат қилишлари мумкин. ўқитувчилар асосан педагогик талабга таянадилар: ўқувчилар олдига маълум тарбиявий мақсадларни қўйиб, уни бажарилиш жараёнини кўзатиш, хатоларини тўзатиш, баҳолаш билан машғул бўладилар. Бундай педагоглар уқитаётган синфларда тарбиявий мақсадлар номигагина амалга оширилади, тарбиявий тадбирлар ўқувчиларда ҳатти-ҳаракат мотивлари, ривожланиш эҳтиёжларини шакллантирмайди. Нар и борса, синф ўқувчилари ахлоқий билимларни ўзлаштириб олишлари мумкин. Лекин бу хил билимлар амалиётда кам қўлланилади.

- **кўркувга асосланган услуб.** Бундан одатда ёш, тажрибасиз ўқитувчилар фойдаланишга ҳаракат қиладилар. Ушбу услуб асосан тақиклашга таянади. Болалар фаоллиги, ташаббускорлиги инкор этилади. Бу услуб мактаб ислохоти манфаатларига мутлақо мос эмас.

- **Устамонлик қилишга ҳаракат қилиши услуби.** Уни одатда маълум билимларга эга бўлмаган, педагог сифатида ўзига ишончи йук, синфда ўқувчилар коллективини бошқара олишга кўзи етмаган айрим ўқитувчилар қўллашга ҳаракат қиладилар. Аммо ўқувчилар эртами-кечми бу найрангбозликнинг охирига етадилар. Бунинг олди олинмаса синфда тарбиявий ишларга жиддий путур етиши мумкин. ўқувчилар ҳурматини қозонишга

интилиш педагогик мақсад бўлибгина қолмай, балки тарбия мақсадларини амалга ошириш воситаси ҳамдир.

Ўз-ўзидан кўриниб турибдики, биринчи ва иккинчи педагогик услублар тарбиявий фаолиятда яхши самара беради; учинчи, тўртинчи ва бешинчи педагогик услублардан педагоглар иложи борича ўзларини ҳалос қилишлари керак.

Ўқитувчининг талабаларга таъсир ўтказиш самараси унинг принципиаллиги ва талабчанлиги ўз аксини топади. Бундан ташқари у ўзига, ҳам ўта талабчан бўлмоғи, шахсий намунаси билан табиий равишда обрў, эътибор қозонмоғи лозим.

Муомала жараёнида ва ҳамкорлик фаолиятида ўқитувчининг талабаларга таъсир ўтказиш натижасида уларда:

- ўз-ўзини ва ўзгаларни ҳурмат қилиш;
- ўз-ўзини ва бошқалар фаолияти, хулқини баҳолаш;
- ўз-ўзини назорат ва ўзгаларни назорат қилиш;
- ўз-ўзини бошқариш (ҳам билиш фаолиятида, ҳам хулқ атворда);
- ўз-ўзини такомиллаштириш ва янги фазилатларни эгаллаш шаклланади.

Дўстона муомала талаба билан ўқитувчи ўртасидаги билимларни пухта ўзлаштиришни таъминлайди ва мукамал шахсий фазилатларни таркиб топтиришга хизмат қилади. Педагогик жараёнда содир бўладиган муомала одоби муаллимнинг ахлоқий маданияти, тарбияланганлик даражаси акс этади. Муаллимнинг педагогик касб эгаси сифатида ўзига ўз касбига, ўқувчиларга бўлган муносабати унинг мулоқотида яққол намоён бўлиши мумкин.

## НАТИЖАЛАР

Педагогик жараёндаги алоқалар тизимида ўқитувчи билан ўқувчи ўртасидаги муомала - муносабатлар катта ўрин эгаллайди. Бу жараёнда бола инсоният асрлар давомида тўпланган билимларни ахлоқий тажрибани эгаллаб олади. Муаллимлик педагогик жараёнда етакчи кишидир. Унга ёш авлодни ўқитиш ва тарбиялаш вазифаси юклатилган. Шунинг учун ҳам ўқитувчига, унинг ахлоқий сифатлари хулқига, ўқувчилар билан муомаласига нисбатан алоҳида, юксак талаблар қўйилади. Муаллим ҳаётга эндиgina кириб келаётган баркамол шахс сифатида шаклланаётган инсонлар ёш болалар билан мулоқотда бўлади.

Болалар таълим тарбия жараёнида умуминсоний ва миллий ахлоқ нормаларини ўзлаштиради. ўқувчи муомала одобини асосан ўқитувчи

тимсолида англаб олади. Педагоглар жамоасида ўқитувчилар ўртасидаги муомала муносабатлар инсонпарварлик, ихтиёрийлик тамойилларига асосланади. Улар одатда икки хил бўлиб бири расмий, иккинчиси норасмий муомала дейилади. Расмий муомала муносабатлар ўзбекистон Республикасининг қонунлари, директив ҳужжатларига асосланади. Норасмий муомала педагогик этиканинг қонунларига (ўқитувчи одобининг) асосланади ва жамоанинг ҳар бир аъзоси томонидан ихтиёрий равишда бажарилади. Муомала одоби психологик қонуниятлар, одоб нормалари, қоидалари, талаблари педагоглар жамоасининг фикри асосида бошқарилади. Ёшларга таълим-тарбия бериш бир кишининг иши эмас, унинг педагоглар жамоаси бажаради. Таълим тарбиядан кўзда тутилган мақсадга эришиш учун мактаб, ўқув юртининг бутун жамоаси, ҳамма ўқитувчилар - бирлашиб ҳаракат қилишлари лозим. Ҳар бир муаллимнинг ҳатти-ҳаракати, ҳулқи, муомаласи педагоглар жамоасининг мақсади талабларига мос бўлмоғи керак. Жамоанинг айрим ўқитувчига таъсири педагоглар жамоасида шаклланган муомала одоби, муносабатларига боғлиқ. Ҳар бир боланинг тарбияси учун масъулиятнинг бирлиги педагоглар жамоасининг ўқувчига нисбатан талаблари ҳам бир хил бўлишини тақозо этади. Бу ўқитувчи одобининг қонуниятларидан биридир. Дарсда ўқувчиларнинг интизоми педагогик жамоадаги муомала одоби, ахлоқий муносабатлар даражасини кўрсатади. Мактабда ўқув интизомини сақлаш бутун педагоглар жамоасининг иши. Педагоглар жамоасида ўзаро ёрдам ва ишончнинг мавжудлиги муомала одобига риоя қилиш педагоглар жамоасининг мақсадга ўқитувчиларнинг ахлоқий савиясига боғлиқ. Педагоглар жамоасида ўзаро муомала муносабатлар коллегиаллик ва яқка бошчилиikka, интизомни соқлашга асосланади. Педагогик жамоада соғлом ақлий руҳий муҳит мавжуд бўлса, ахлоқий норма ва йўл-йўриқлар бажарилибгина қолмасдан балки улар ҳар бир муаллимнинг эътиқодига одатига айланади. Педагоглар жамоасининг шахс ва коллектив учун фойдали ишларига асосланган таъсир натижасида муаллимнинг маънавий қиёфасида чуқур сифат ўзгаришлари содир бўлади. Ижтимоий бурчни тўғри англаш, ҳулқни тўғри баҳолай олиш одатда шаклланади, жамоада ўзаро муомала яхшиланади. Педагоглар жамоасидаги муомала муносабатлар бу оддий дўстлик ва қўшничилик эмас, балки умумий иш учун жавобгар жамоа аъзоларининг масъулиятли боғланишларидир.

Педагоглар жамоасида ижодкорлик муҳити муомала одобини шакллантиришнинг муҳим шартидир. Муомала одобининг шаклланишида жамоат ташкилотларининг роли каттадир. Улар муаллимнинг обрусини ошириш жамоат ишлариша фаол қатнаштириш йўли билан ўқитувчининг ахлоқий ва педагогик маданияти, масъулиятини оширишга кўмаклашади.

Муаллим ҳар бир сўзини ўйлаб гапириши, бошқаларнинг, касбдошларининг сўзи, фикри, мулоҳазаларини тинглаб билиш ҳам педагогик жамоада ўзаро муомала муносабатларини яхшилашга хизмат қилади.

## МУҲОКАМА

**Педагогнинг тутган йўли.** Агар ўқитувчи ўқувчиларга нисбатан муайян ҳолатда турсагина (бу ҳолат уларнинг ёшига қараб турлича бўлади) педагогик таъсир кўрсатишни муваффақиятли амалга ошира олади. Мазкур ҳолат ўқувчилар билан муомала соҳасида ўқитувчининг асосий йўл-йўриғидан иборат бўлиб, у ўқувчиларнинг психологик ва ёш хусусиятларига монанд бўлади. ўқувчилар ёшига мувофиқ равишда ўқитувчи ҳолати (тутган йўли) нинг ўзгариш мезони - бу ўқувчилар жамоасига нисбатан ташқи ҳолатдан маълум даражада ички ҳолатга ўтиш, ўқувчиларга бевосита таъсир кўрсатишнинг камайиши ва бевосита таъсирнинг ортиши жамоани бошқариш вазифаларининг бир қисмини ўқувчиларни ўз-ўзини бошқариш органларига бериш, ҳар бир бола шахсининг ички оламига кўпроқ таъсир кўрсатишига ўтишдир.

Турли ёшдаги ўқувчиларнинг муомаласига таъсир кўрсатиш субъекти бўлган ўқитувчи тутган йўлнинг умумлаштирилган тавсифини қуйидагича тасаввур қилиш мумкин. қуйи синфларда ўқитувчи ташкилотчи бўлиб майдонга чиқади. (Ўзувчи, таъсис этувчи). Педагогнинг кичик ёшдаги ўқувчилар ҳаётига таъсир кўрсатишнинг асосий мазмуни уни ташкил этиш зарурати билан белгиланади.

Кичик ёшдаги ўқувчилар жамоаларида талабчан ва қувноқ тарбиячи бўла оладиган болаларнинг фаол ижодкорлик билан тўла ҳаётини ташкил этиб, улар орасида ўзаро хайрихоҳлик, ғамхурлик вазиятини, завқли вазиятни вужудга келтира оладиган тарбиячилар катта обрў - эътибор қозонадилар. Болалар катта ёшдаги бундай кишиларни ўз дўстлари деб қабул қилишга майилдирлар. Бу энг яхши муносабат бўлиб, у тарбиячининг ташкилий вазифаларни ҳал этишини осонлаштиради.

Ўсмирлар уқийдиган синфларда ўқитувчининг ҳолати раҳбар деган сўз билан ифодаланиши мумкин. У кўрсатувчи, мураббий, бошловчи, сифатида иш кўради. Педагогларнинг ўсмирларга таъсир кўрсатишнинг асосий мазмуни уларнинг фаолиятига раҳбарлик қилиш зарурати билан белгиланади, бу фаолият ўз-ўзини ташкил қилишнинг кўпроқ улушини ўзига қамраб олади. Бу эса ўқитувчининг таълим-тарбия жараёнининг раҳбари сифатида ўқувчиларга қўядиган талаблари мазмунини белгилаб беради. ўсмирлар педагогик талабларни онгли ва сидқидилдан бажаришлари учун талаб мавзусига нисбатан ўқитувчи ва ўқувчининг бир хил йўл тутishi зарурдир, у билиш нуқтаи-

назаридан кизиқарли бўлиши ёки амалий жиҳатдан фойдали бўлиши зарур, ёхуд жамоа фаолият жараёнини қулайлаштириш учун зарурдир, акс-ҳолда талаб самарасиз бўлиб қолади.

Катта ёшдаги ўсмирларга нисбатан ўқитувчи ҳомий ёки тарбиячи ҳолатида туради. Бундай ҳолат шуни тақозо қиладики, ўқитувчи фаолиятининг шундай соҳаларида, яъни бевосита аралашув кам самара берадиган соҳаларда ўқувчиларнинг ўзаро ҳаракатларига алоҳида эътибор бериш лозим, бу эса педагогдан катта ёшдаги ўсмирларга ўзига хос ҳомийлик қилишни талаб этади, бу аввало уларнинг бу соҳадаги аҳволи яхши бўлиши ҳақида бевосита ғамхурликни ўз ичига олади. Шу муносабати билан ўқитувчиларнинг ўқувчилар билан муносабати характери кўп жиҳатдан педагогларнинг катта ёшдаги ўсмирларнинг ўзига хос бўлган катта бўлишга интилишдан иборат ёш хусусиятини қанчалик ҳисобга олишига боғлиқ.

Ўқитувчи ўқувчиларнинг катта бўлиб қолганлигини эътироф этишмагач, уларнинг бир қисми ўқитувчилар билан ўзларининг чинакам қиёфаларини яшириб муомала қила бошлайдилар. Улар баъзан ўқитувчиларга маъқул тарзда ўзларини тутишга интиладилар. Шундай қилиб, тарбияланувчиларда мослашувчанлик ва носамимийлик каби хусусиятлар шаклланиши учун замин яратилади. Бу эса ўқитувчининг ўқувчиларга таъсирини қийинлаштиради, уларни тўлқинлантираётган муомалаларни ҳал қилишга ёрдам кўрсатиш, яъни ҳомийлик позициясини руёбга чиқариш имкониятидан маҳрум этади.

Юқори синфларда ўқитувчининг ҳолати консультант, яъни муайян соҳада маслаҳатлар берувчи мутахассис сўзи билан ифодаланиши мумкин. ўқувчиларга таъсир кўрсатиш мазмуни ўқитувчи уларнинг фаолияти билан боғлиқ равишда берадиган тавсиялар билан белгиланади.

Ўқитувчи билан ўқувчи объектив равишда турли авлод вакиллари ҳисобланадилар. Ҳар бир янги авлод олдинги авлодларга нисбатан бир мунча янги шароитда ҳаётга кириб келади. ўқувчиларнинг ўзлари ҳам авлоддан-авлодга ўзгариб борадилар. Бунинг оқибатида ҳар бир янги авлод ота меросини пассив равишда эмас, балки фаол равишда ўзлаштирадилар. Бу ўзгартириш катта авлодлар билан доимий мулоқотда бўлгандек содир бўлади. ўқитувчи юқори синф ўқувчилари билан мулоқот йўли билан муомала қилганда утмиш ғоявий меросининг муҳим аҳамиятини тасдиқлаб бориши лозим. Бундай ҳолда у кенг муаммолар бўйича маслаҳатчи бўлиб қолади ва юқори синф ўқувчиларига самарали таъсир кўрсатиш имкониятига эга бўлади.

**Ишонтириш ва маъқул қилиш.** Ишонтириш фақат ўқитувчи билан мулоқотта эмас балки бошқа ҳолларда ҳам ўқувчига таъсир қилади. (ўртача қобилиятли, секинлик билан иш қилувчи ўқувчи борган сари ёмон

ўзлаштирадиган бўла боради. ўқитувчининг "Нима учун ўзлаштирмаяпсан?" деган саволига "Менинг каллам ишламайди", деб жавоб беради. Сухбатдан аниқ бўлади-ки, уйда вазифа бажарганда бувиси ёнида ўтирган ва унинг секин ҳаракатланиши ва секин фикрлашидан зерикаиб "Сенинг калланг ишламайди", деган экан. Бола бу фикрга ўзини ишонтириб ёмон ўзлаштира бошлаган.

Ишонтириш ижобий ва салбий бўлиши мумкин. ўқитувчи ўқувчида ижобий ҳолат - уй вазифаси тайёрлашга шаклланишини хоҳлайди. Унинг кўзига ифодали қараб, ҳУкмрон товущда дейди: "Сен яхши укишни хоҳлайсан ва укий оласан. Бугун соат 3да дарс тайёрлашга ўтирасан".

Шахс ривожланишига ўз-ўзини ишонтиришнинг ўрни муҳимдир. ўз-ўзини ишонтиришнинг юксак даражасини биз йоглар фаолиятида куришимиз мумкин.

Ўқувчи ўз камчилигини билиб, уни тўғрилашга киришишини кўрсак ўз-ўзини ишонтирди деб биламиз. Баъзан эса салбий ҳолатлар, сифатларга ўз-ўзини ишонтириш ҳам бўлади.

Ўз-ўзини ишонтириш тарбиявий мақсадларда қўллаш фақат етарли даражада ривожланган шахсда қўллаш мумкин.

Ишонувчанлик - бу кишининг ўз хулқини бошқа киши ёки кишилар гуруҳи талаби билан ўзгариши.

Ишонувчанлик - нерв системасининг нормал ҳолати. Лекин унинг акс этиши турли ҳолларда турлича. У ёшга (ёшроқда юқорироқ), жинсга (аёлларда ишонувчанлик), интеллектга (маълумот ошиши билан ишонувчанлик пасаяди), соғлиқ ҳолатига (чарчаганда, касалликдан сўнг ишонувчанлик юқори бўлади) ва бошқа омилларга боғлиқ. Бундан ташқари ишонтирувчи шахснинг роли ҳам муҳим.

Ўқувчилар билан муомала одоби. Педагогик жараёндаги алоқалар тизимида ўқитувчи билан ўқувчи муомала-муносабатлар катта ўрин эгаллайди. Бу жараёнда бола инсоният асрлар давомида тўплаган билимларни, ахлоқий тажрибани эгаллаб олади. Муаллим педагогик жараёнда еткази кишидир. Унга ёш авлодни ўқитиш ва тарбиялаш вазифаси юклатилган. Шунинг учун ҳам ўқитувчига нисбатан алоҳида, юксак талаблар қўйилади.

Муаллим ҳаётга эндигина кириб келаётган, баркамол шахс сифатида шаклланаётган инсонлар – ёш болалар билан мулоқотда бўлади. Болалар таълим-тарбия жараёнида умуминсоний ва миллий ахлоқ нормаларини (мезонларини) ўзлаштиради. ўқувчи муомала одобини асосан ўқитувчи тимсолида англаб олади. Севимли муаллим бола учун бир умр идеал, ибрат, намуна бўлиб қолиши ҳам мумкин.

Республикамиз ўқитувчилари орасида ўз ишнинг устаси, Халқ ўқитувчиси, Хизмат кўрсатган ўқитувчи деб тан олинган, ота-оналар, ёшлар эъзозлаб Устоз деб атайдиган мўътабар инсонлар кўплаб топилади. Улар педагогик ишда фидойилик кўрсатиб, муаллимлик бурчини юксак даражада бажариб, болаларга билим бериб, улар қалбига ҳалоллик, гўзаллик, ҳақиқат, одоб ахлоқ нуруни сингдира олганликлари, хушмуомала бўлганлари учун ҳам бундай обрў ва ҳурматга эришганлар.

Афсуски, ҳамма муаллимлар ҳақида ҳам шундай деб бўлмайди. ўзининг дағал муомаласи билан боланинг кўнглини укишдан совутиб, дилини ўринсиз ранжитадиганлари ҳам учраб туради. Педагогик тажрибада бунга мисоллар кўплаб топилади. Бундайлар ёшлар тарбиясига, уларнинг ахлоқига салбий таъсир этадилар. Тарбиявий ишларга тўзатиш қийин бўлган даражада зиён етказадилар.

Баркамол, ижодкор шахсни шакллантиришга, тарбиялашга доир ахлоқий нормалар педагогик этикада ифодаланган. Тарбияланувчига ижобий таъсир ўтказиш шартларидан бири болага бўлган ишонч билан унга нисбатан қўйилаётган талабларнинг бирлигидадир. Бу қонда педагогик амалиётда кўп марта синовдан ўтган ва ўзини оқлаган. Муаллимлар, талабалар билан ўтказилган суҳбат натижалари шундан далолат берадики, мактабда хушмуомала ўқитувчилар билан бир қаторда болаларга ҳуда-беҳуда дук уриб, бақириб муомала қиладиган муаллимлар ҳам учрайди. Бундай муомала жамиятда қабул қилинган умуминсоний ва миллий ахлоқий нормаларга тўғри келмайди. Бундай ўқитувчилар болалар орасида обрў орттира олмайдилар.

Педагогик жараён, тарбия жараёни, одамларнинг табиати шу даражада мураккабки, муаллим баъзан истаса-истамаса қўполлик қилишга «мажбур» бўлади, ўқувчи муаллимнинг ўринли талабларини бажармаётган пайтларида у ўзини тутолмай қолади. Муаллим ўз талабларини, ҳатто қўполлик ҳолатини ҳам, болага яхшилик қиляпман деб ҳисоблайди, чунки бу ишни болага билим бериш, уни тўғри йўлга солиш, яхши одам қилиб тарбиялаш учун қиляётганига ишонади. Саъдий Шерозийнинг «Гулистон» (Тошкент, 1968) асарининг “Тарбиянинг таъсири баёни” бобидаги ҳикоятларда: Алишер Навоийнинг “Маҳбуб-ул-қулуб” асаридаги «Мударрислар тўғрисида», «Мактабдорлар тўғрисида»ги мақолатларида билдирилган мулоҳазалар бу фикримизга ҳамоҳангдир.

Бундай ҳолатлар кўпинча тарбияси қийин бола билан муомала-муносабатлар жараёнларида содир бўлади. Шунинг ҳам унутмаслик лозимки, бундай бола одатда, носоғлом оиладан чиқади. Бола оиладаги ёмон муҳитнинг қурбони бўлиши ҳам мумкин. Тажрибали педагоглар тарбияси қийин бола

билан ишлаш, муомала қилиш мураккаблигини, шу билан бирга улар инсоний меҳрга зор, хуш муомалага, эътиборга муҳтож эканлигини, бундайларга нисбатан сабр-тоқатли, бардошли, кечиримли бўлиш зарурлигини ҳам таъкидлайдилар.

Жисмоний жароҳат олган болани уқувчи жазоламаслигини ҳамма билади. Жисмоний тарбия муаллими оёғини жароҳатлаган боладан югуриш мусобақасида қатнашишни талаб этмайди. Бола баъзан қалби, руҳи жароҳатланган ҳолда мактабга келиши мумкин. Таълим жараёнида буни ҳамма ўқитувчилар эътиборга оладими? Афсуски, йук. «Бола жавоб беришни хоҳламапти, дарс тайёрлашни истамаган» деб ҳисоблаб, ҳамма ўқувчиларга бир хил талаб қўйиш, бир хил муомала қилиш ҳоллари кўплаб учрайди. Баъзан боладан ҳатто у бажара олмайдиган ишлар ҳам талаб этилади. Айрим ўқитувчилар боланинг оиласидаги, ота-онасидаги нуқсонлари учун ҳам уни айблашга уринадилар.

Воқеий ҳикоят. Тукқизинчи синф ўқувчиси Карим бир куни дарсни тайёрламай келди. Муаллима унга «икки» баҳо қўйди. Оилада Карим онаси билан яшайди, отаси бошқага уйланиб кетган. Муаллима Каримга «ёмон» баҳо қўйгани етмагандек, унга зарда билан: “Отанг сизларни бекорга ташлаб кетмаганга ўхшайди, бундай боладан қочиб қутулишдан бошқа чора йук”, - деб уни синфдан чиқариб юборди. Муаллимнинг бу муомаласи ўқувчини таҳқирлаш билан бирга синфдаги бошқа ўқувчиларнинг ҳам норозиликка, низо келиб чиқишига сабаб бўлди.

Талабчанлик ўқитувчи одобининг нормаларидан бири ҳисобланади. ўқитувчининг болага қўяётган талаби адолатли бўлмоғи керак. Муаллимнинг талабчанлигида унинг бола шахсига чуқур ишончи ифодаланади. Бу инсонийликнинг намоён бўлиши, яъни ривожланаётган бола шахси тўғрисида, ўзига ва жамиятга фойда келтира оладиган баркамол кишини тарбиялаш тўғрисидаги ғамхўрликдир. Одатда, болалар мурасасозлик ва олифтагарчиликни - бетайинлик, ўта муруватни – маъсулиятсизлик, принципсизлик деб тушунадилар. Аксинча яхши ният билан қилинган оқилона талабчанлик - қаттиққўл муаллимга боланинг ҳурмати ва миннатдорлигини оширади.

Воқеий ҳикоят. Тўлқин мактабда қуйи синфларда паст баҳолар олиб уқирди. Саккизинчи синфга ўтганида физика ўқитувчиси Д. Ш. жуда талабчан, ҳеч кимни эркалатиб қўймайдиган киши бўлиб чиқди. Муаллим уни доскага чиқаради. Тўлқин физикага доир масалани еча олмайди. ўқитувчи унга бошқа масалани беради ва ўша бошлаган усули билан ечишни айтади.

Ниҳоят у масалани тўғри ечади. ўқитувчи: «Менинг фикримча Тўлқин, сен учун бу оддий масала. Сен мураккаброқ масалаларни ҳам еча оласан, фақат, кўпроқ ишлаш керак» дейди. Мактабни битиргач, техника университетида ўқишга кирди. Муҳандислик касбини эгаллади. Бир куни Тўлқин ўқувчилик йилларини эслаб бундай деди: «Физика ўқитувчимиз қаттиққўл, талабчан эди. У бизни бошқа фанларга қараганда физикани кўпроқ ўқишга мажбур этарди. Биз унинг айтганларини бажарар эдик, чунки у яхши одам, ҳатто дўстимиз эди».

Ўқитувчи аввало, ўзига талабчан бўлмоғи керак, шундагина болага нисбатан қўяётган талаблари ўринли, самарали бўлади. Акс ҳолда унинг «талабчанлиги» боланинг ғашини келтириш ва ўқувчилар уни бажармасликлари мумкин. Болага бирор топшириқ бераётганда у ўқувчининг кучига мослиги, бола уни бемалол бажара олишига муаллимнинг ишончи комил бўлсин. Бола олдида қўйиладиган талаблар, унга берилаётган вазифалар секин-аста мураккаблаштирила бориши, ўқувчиларнинг қобилияти, индивидуал хусусиятларини ҳисобга олиб табақалаштириши лозим.

Муаллим ҳар қанча хушёр, эҳтиёткор бўлса ҳам синфдаги ҳамма болаларнинг руҳий ҳолатини, изтиробларини билмаслиги мумкин. Бу ишда муаллим синф болалар жамоасининг кўмагига таянмоғи лозим. Синф жамоаси бошига ташвиш тушган боланинг ҳолидан хабардор, унга ҳамдард бўлишига эришмоқ керак. Шунда муаллим билан ўқувчи ўртасидаги муомала натижасида содир бўладиган айрим хатоларнинг олдини олиш имкони туғилади.

Боланинг руҳий ҳолатини тушуниш, синфдошларида унга нисбатан хайрихоҳлик, ғамхўрлик хис - туйғусини уйғотиш ўқитувчининг юксак педагогик, охлоқий маданиятидан далолат беради. Одоби, маданиятли муаллим болалар билан қўпол муомала қилмайди, ўқувчининг «сирини» ошкор этмайди, унинг устидан кулиб, қалбини жараҳатламайди. Аксинча, фикр-мулоҳазаси қотиб қолган, болаларнинг қалби, эҳтиёж ва кизиқишларини инобатга олмайдиган, ҳамманинг ҳулқини бир хил қолипда баҳолайдиган муаллим кўпинча педагогик муомала одоби нормаларини бўзади, болалар орасида обрў ҳам ололмайди. Бундай муаллим одатда, агар бола мўмин-қобил бўлса, уни манман, таккабур деб ҳисоблайди. қобилиятли, лекин шўх болаларни хуш кўрмайди, натижада ўқитувчига ҳурматсизлик, конфликт можаролар келиб чиқади.

Бозор иқтисодиётига асосланган жамиятда ахлоқий тарбия жараёнига хос қарама-қаршиликлар манфаатдорлик, ахлоқий-руҳий омиллар, шунингдек, муҳит таъсирида содир бўлиши мумкин. Бундай факторлар қаторига қуйидагилар киради:

➤ бола тарбияланаётган муҳитдаги ахлоқий тажриба, хулқий одатлар жамиятда қабул қилинган умуминсоний, миллий ахлоқ меъонларларига мос келмаслиги;

➤ болада илгари шаклланган қизиқиш ва истаклар ахлоқий тарбиянинг мақсадига тўғри келмаслиги;

➤ боланинг иродаси, ўзини тута билиш даражаси билан тарбиячи-ўқитувчининг талаблари бир-бирига мос келмаслиги;

➤ боланинг жамоада ўз ўрнини топишга бўлган интилиши билан ўз манфаатларини жамоанинг манфаатларига бўйсундириш зарурлигини бир-бирига мос келмаслиги;

➤ тарбиячи, ўқитувчининг педагогик, ахлоқий маданият даражаси ўқитувчиларни ахлоқий тарбиялаш соҳасида кун тартибига қўйилаётган вазифалар, талабларга мос келмаслиги.

## ХУЛОСА

Бу қарама - қаршиликлар объектив ёки субъектив характерга эга бўлиши мумкин. Тарбия жараёнида улар субъективликдан объективликка ўтиши ёки аксинча бўлиши ҳам мумкин. Масалан, ота-оналарнинг ахлоқий маданият даражаси субъектив фактор ҳисобланса ҳам у бола учун объективлик характерига эга, чунки ота билан онани танлаб олиш мумкин эмас.

Субъектив қарама - қаршиликлар ҳам, объектив қарама-қаршиликлар ҳам жиддийлашиб, низолар чиқишига олиб келиши мумкин. Бурч билан истак ўртасидаги, зарурат билан эркинлик ўртасидаги объектив қарама - қаршиликлар натижасида юзага келадиган низоларни, келишмовчиликларни бартараф этиш, кўпинча, ривожланиш усулига айланади. Бундай конфликтларни ижобий ҳал қилиш натижасида шахс ўз тажрибасида жамият ўртага қўяётган ахлоқий талабларни жамоатчилик ва ўқитувчи таъсирида англаб олади.

Объектив қарама - қаршиликлар натижасида вужудга келган тушунмовчиликларни оқилона бартараф этиш ўқитувчининг педагогик маданиятига, муомала одобига, танланган воситаларининг тўғрилигига боғлиқ. Субъектив сабабларга кўра пайдо бўлиб, жанжалларга олиб келган қарама - қаршиликлар салбий натижалар беради, ўқитувчига нисбатан ишончсизлик туғдиради, ўқитувчи билан болалар ўртасида руҳий тўсиқлар ҳосил қилади.

Педагогик ахлоқ нормаларига амал қилишда муаллим одоб-муомала қоидаларини бўзмаслиги, шу билан бирга муаллимнинг хулқи ўқувчиларнинг хатти-ҳаракатларини, ўзаро муносабатларини ҳам тартибга солиб бориши ҳақида ғамхўрлик қилмоқ керак.

## REFERENCES

1. To'raqulovich, RF, va Umirkulovich, SA (2020). O'ZBEKISTON XO'JALIKLARI: RIVOJLANIRISH, Ixtisoslashish, geografiya. Tanqidiy sharhlar jurnali, 7 (6), 1189-1196.
2. Шерзод Иброим Ўғли Иброимов (2020). ГЕОГРАФИЯ ДАРСЛАРИДА ТАЛАБАЛАР БИЛИМИНИ НАЗОРАТ ҚИЛИШ УСУЛЛАРИ. Academic research in educational sciences, (4), 412-417.
3. Radjabov, F. (2020). Oziq-ovqat sanoatining individual tarkibini va qishloq xo'jaligi mahsulotlarini etkazib berishdagi rolini tavsiflab bering. Xalqaro ilg'or ilmlar va texnologiyalar jurnali, 19 (1), 292-294.
4. Шерзод Иброим Ўғли Иброимов, & Махмуджон Жалолитдинович Болтаев (2020). ЎЗБЕКИСТОН ТОҒ-ВОДИЙЛАРИНИНГ ЭКОТУРИСТИК ИМКОНИЯТЛАРИ ВА УЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ. Academic research in educational sciences, (1), 21-26. doi: 10.24411/2181-1385-2020-00004
5. Ражабов, Ф. Т., & Олимова, А. А. (2020). ТАЪЛИМ МУАММОЛАРИ ЕЧИМИДА ИННОВАЦИОН КЛАСТЕРНИНГ АҲАМИЯТИ (ГЕОГРАФИЯ ТАЪЛИМИ МИСОЛИДА). Academic research in educational sciences, (3).
6. Sherzod Ibroimov, & Muhayyo Madaminova (2020). МАКТАБЛАРДА ГЕОГРАФИЯ ФАНИНИ О'QITISH SAMARADORLIGINI OSHIRISHDA INNOVATSION TEXNOLOGIYALARNI QO'LLASH. Academic research in educational sciences, (1), 54-60. doi: 10.24411/2181-1385-2020-00009
7. Ражабов, Ф. Лобар Джураева, & Асрор Махмадалиев (2020). УЗБЕКИСТОН ФЕРМЕР ХУЖАЛИКЛАРИ: РИВОЖЛАНИШИ, ИХТИСОСЛАШУВИ, ГЕОГРАФИЯСИ. Academic research in educational sciences, (3), 674-686.
8. Шерзод Иброимов, Махмуд Болтаев, & Мақсуда Сатторова (2020). МАКТАБ ЎҚУВЧИЛАРИ ОНГИДА РЕКРЕАЦИЯ ТУШУНЧАСИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ. Academic research in educational sciences, (3), 146-151.
9. Ражабов, Ф. Т., & Абдимуротов, О. У. (2020). ТАБИЙ ГЕОГРАФИЯ КУРСЛАРИДА АМАЛИЙ МАШҒУЛОТЛАРНИ ТАШКИЛ ҚИЛИШДА ЯНГИ ПЕДАГОГИК ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИ ҚЎЛЛАШ УСЛУБИЎИ. Academic research in educational sciences, (4), 663-671.
10. Шерзод Иброим Ўғли Иброимов, Мансур Фарманович Бўрибеков, & Мақсуда Анвар Қизи Сатторова (2020). ЁШ АВЛОДГА ЭКОЛОГИК ТУРИЗМНИНГ MAЗМУН-МОҲИЯТИНИ ЕТКАЗИШ. Academic research in educational sciences, (3), 275-279.
11. Фуркат Ражабов, Лобар Джўраева, & Асрор Махмадалиев (2020). Ўзбекистон фермер хўжаликлари: ривожланиши, ихтисослашуви, географияси. Academic research in educational sciences, (3), 674-686.

12. Ibroimov, S. I. (2020). BUGUNGI KUNDA PEDAGOGIK TEXNALOGIYALARNING AHAMIYATI VA ULARNI TARIX DARSLARIDA QO'LLANILISHI. Academic research in educational sciences, (4), 59-63.
13. Abdimurotov, OU (2020). XALQARO PISA DASTURI UCHUN KELAJAKLARGA GEOGRAFIYA O'QITUVCHILARINI TAYYORLASHNING MUHIMI. *Iqtisodiyot va sotsium*, (5-1), 3-8.
14. Sherzod Ibroim Ogli Ibroimov, & Abdurauf Abdurahim Ogli Yusubaxmedov (2020). O'ZBEKISTON HUDUDINI TIBBIY-GEOGRAFIK BAHOLASH USULLARI. Academic research in educational sciences, (4), 418-424.
15. Oybek Uralovich Abdimurotov (2020). TABIIY GEOGRAFIYA DARSLARINI MUSTAQIL O'RGANISHDA INTERFAOL METODLARDAN FOYDALANISHNING IMKONIYATLARI. Academic research in educational sciences, (3), 1306-1312.
16. Шерзод Иброим Ўғли Иброимов (2020). РЕКРЕАЦИЯ ВА ЭКОТУРИЗМ ЖИҲАТЛАРИ (САМАРҚАНД ВИЛОЯТИ) МИСОЛИДА. Academic research in educational sciences, (4), 486-491.